



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

2007 йил
19 декабрь
ЧОРШАНБА
№ 101
(12.008)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

www.th.uz

АҲОЛИГА ҲОМИЙЛАР ТУҲФАСИ

Давлатимизнинг тиббиёт соҳасини тубдан ислоҳ қилиш борасидаги кучли ижтимоий сиёсатининг ўзак моҳияти аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини мунтазам яхшилаб боришга қаратилгандир. Айтиш жоизки, бу ислохотлар самарасидан жойларда оддий аҳоли вакиллари тула баҳраманд бўлмоқда. Хусусан, яқунлаштирилган Ижтимоий ҳимоя йилида бу хайрли мақсадга қаратилган саъй-ҳаракатлар алоҳида кўлам ва мазмун касб этди.

Қибрай тумани марказий шифохонасининг болалар бўлими қисқа фурсатда тубдан таъмирланиб ишга туширилиши қибрайликларни мамнун этди. Оқиб, бўлимнинг аввалги ҳолати замонавий тиббиёт талабларига мос келмасди. Нураб, путурдан кетган бинонинг иситиш тизимлари, сув таъминоти тармоқлари ярқочиб аҳолига келгани муассасадаги даволаш-муолажа ишларининг сифатига салбий таъсир кўрсатар, бу эса аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётганди.

Туман ҳокимлиги ҳамда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси вазиятни ино-

батга олиб, бўлимдаги аҳолини яхшилаш юзасидан кечиктириб бўлмас чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқди. Унга кўра, муассаса биноси тубдан қайта таъмирланиб, барча иситиш ва сув таъминоти тармоқлари янгиланди. Замонавий тиббиёт асбоб-анжомлари келтирилиб ўрнатилди. Болалар ва оналарнинг ётиб давола-нишлари учун барча қўлайликлар муҳайё қилинди.

Бўлимнинг ишга туширилиши маросими чинакам шодийнага айланди. Тўкин дастурхон атрофида йиғилган туман оқсоқоллари, жамоатчилик вакиллари бу хайрли ишга бош қўшган

барча саховатпеша инсонларга самимий миннатдорчилик билдирди.

Бўлимнинг бундай кўркам қиёфага келиши учун 300 миллион сўмдан ошмироқ маблағ сарфланди, — деди маросимда туман ҳокими Шокиржон Икромов. — Эътиборли ҳақиқат, бу ишларнинг ҳаммаси ҳомийлар маблағи ҳисобидан бўлди. Туманимиздаги йирик корхона ва ташкилотлар қатори хусусий тадбиркор ва фермерлар ҳам болажонларимиз саломатлиги йўлида ўз кўмакларини аямалдир. Эндиликда бу ерда бир вақтнинг ўзига 50 нафар бола ётиб даволаниши ва барча йўналишларда муолажаларни қабул қилиши учун қўлай шарт-шароитлар мавжуд.

Муассасанинг очилиш маросимида вилоят ҳокими вазири Файрат ШЕРАЛИЕВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.



СУРАТДА:

болалар бўлимининг бир гуруҳ малакали шифокор ва ҳамширалари бу ерда ҳозирланган шароитлардан мамнун.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ

ФАҲРИЙ УНВОНЛАР УЧУН ТЎЛОВЛАР МИҚДОРINI ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз илм-фани, адабиёти ва санъатини, иқтисодий ва интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришга, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини ошириш, халқимизнинг маданияти ва маънавиятини юксалтиришга, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга катта ҳисса қўшиб келатган шахсларни муносиб рағбатлантириш ва қўшимча равишда моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб давлатимизнинг фахрий унвонларига сазовор бўлган шахслар - "Халк" ва "Хизмат кўрсатган арбоб" фахрий унвонлари эгалари учун бериб келинаётган тўловлар энг кам иш ҳақининг 2 баробари, "Хизмат кўрсатган" фахрий унвон соҳиблари учун эса энг кам иш ҳақининг 1 баробари миқдорда оширилиб, ҳар ойлик тўловларнинг миқдори

иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, фахрий унвонлар эгаларига тўловлар ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетидан маблағлари ҳамда ҳўжа-лик юритувчи субъектлар ҳисобидан амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда фахрий унвонлар эгаларига тўловларни тайинлаш ва амалга ошириш тартибини тасдиқласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги мутасадди вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

5. Мазкур фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2007 йил 17 декабрь.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан сугурта қилиш муаммоларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан ташкил этилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, ташкилот ва муассасалар, уюшма ва бошқармаларнинг раҳбарлари, эксперт ва мутахассислар, олимлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Уни мазкур қўмита раиси И. Насриев бошқарди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда ишлаб чиқаришда банд бўлган фуқаролар қафолатларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Амалиётдаги Меҳнат кодекси, "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида", "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида", "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида" ва бошқа қонунлар айнан шу эзгу мақсадга йўналтирилган.

Анқуманда Олий Мажлисининг Қонунчилик пала-

тасида биринчи ўқишда қабул қилиниб, иккинчи ўқишга тайёрланаётган "Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий сугуртаси тўғрисида"ги янги қонун лойиҳаси концепцияси ҳусусида гап борди. Ушбу қонун лойиҳаси Президентимиз Ислам Каримовнинг шу йил 23 январдаги қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Семинарда ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан сугурта қилишга оид муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ҳамда бу борада ҳорижий давлатларнинг тажрибаси ва Ўзбекистондаги амалиёт масалалари ҳақида сўз юритилиб, қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш бўйича тақлиф ва фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Ў.А.

Муносабат

ЁШЛАР — ОРЗУ-УМИДИМИЗ, КЕЛАЖАГИМИЗ

Инсон борки, ўз орзу-ниятларини, мақсад ва вазибаларини фарзандлари иқболи билан боғлайди. Шунинг учун ўғил-қизларини ақл-идроқли, билимли, меҳнатсевар, эл-юрт ва Ватан қорига ярайдиган кишилар сифатида камол топтиришга бутун умрини, топан-туттани бағишлайди.

Маънавий ва жисмоний баркамол янги-янги авлодларни тарбиялаб, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг раван йўлларида олиб чиқишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган жамиятнинг ҳаёти барқарор, бундай давлатнинг келажаги буюк. "Улкан ишларимизни давом эттириш, янги поғонага кўтариш, энг муҳими, ҳаётга кириб келатган ёшларимизнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллаши учун, — деб таъкидлади Президент Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган маърузасида, — замоннинг ўзи олдимизга янги-янги вазибаларни қўймоқда".

Янгиланаётган жамият, тобора мустақамлашиб бораётган ҳуқуқий демократик давлатимизда бу масала бугун устуворлик касб этиб, барча орзу-умидларимизни рўёбга чиқарувчи, ислохотлар муваффақиятини белгиланчи омилга айланди. Ўз олдимизга қўйган муҳим вазибаларимизни изчил рўёбга чиқариб бориш истикболларини ўйлаб, навқирон авлод тарбиясига жамо-



ат ташкилотлари ва оммавий ҳаракатлар, барча сиёсий кучлар, давлат идоралари эътиборини жалб қилиш ниятида муҳимлигини ҳисобга олиб, Ўртабосимиз 2008 йили мамлакатимизда Ёшлар йили деб эълон қилиш ташаббуси билан чиқди.

Фақат кучли ижтимоий сиёсатни ўз фаолиятининг устувор йўналишига айлантирган, мустақиллик йилларида бу борада бой амалий тажриба орттирган давлатимиз шундай қила олади. Буни идрок этиш учун сўнгги йиллардаги ёшлар, сиёсати хараёнларига назар ташлаш

кифоя. Бугун Ўзбекистонда, соғлом авлодни камол топтиришнинг изчил, ўзаро боғлиқ ва самарали тизими яратилган. Соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия ва ният, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларнинг амалга ошири-

таъкидлаганидек, "Ёшларимизнинг ҳали бери ечилимаган муаммоларига эътиборимизни жалб этиш, уларни ҳаётимизда ҳақиқатан ҳам ҳал қилувчи кучга айлантириш масаласи жамоатчилигимизнинг диққат марказида туриши шарт". Ҳозир шу мақсадларни амалга ошириш учун махсус давлат дастури ишлаб чиқилётди. Ёш авлод манфаатларини таъминлашнинг ҳуқуқий базасини янада мустақамлаш, таълимнинг ислоҳ қилини янги босқичга кўтариш, ёшларнинг ҳаётда мустақам ўрин эгаллашларига кўмаклашиш унинг асосий ҳаракат йўналишларини ташкил этади. Мақсад — ҳар бир боланинг ўзига хос қобилияти ва истеъдодини илғаб олиш, уларни маромига етказиб, сайқаллаш ва намоён этилишига эришишдан иборат. Бу борада ота-оналар нодавлат ва ёшлар ташкилотлари, давлат идораларининг бевосита ҳамда амалий ҳамкорлигининг аҳамияти катта эканлигини асло унутмаслик керак. Муҳими — ўғил-қизларимиз ўзини, ўзалигини намоён этиши учун зарур шароит яратишда, Ўртабосимиз ҳақи равишда таъкидлаганидек, ҳаракат майдонлари ва йўналишларини кенгайтиришда. Бунинг учун ҳар биримиз — ота-оналар ҳам, давлат хизматчилари ҳамда ташкилотларнинг етакчилари ҳам бирдек масъулмиз.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ.

Ангрндаги «RFON» ўқув марказида ўнға яқин йўналишда инглиз тили курслари фаолият юритмоқда.

ЮЗДАН ОРИҚ ТИНГЛОВЧИ

— Бу ерда малакали мутахассислар ёрдамида «OXFORD» дастурлари, интерактив ўқитиш услуби, замонавий кутубхона каби илмий-маърифий йўналишларда инглиз тилини чуқур ўзлаштираётган тингловчиларнинг аксарияти ўқитувчилар, тарбиячилар шунингдек, ота-оналар ва ёшлардир, — дейди марказ раҳбари Жасур Ҳасанов. — Келажакда марказни тингловчиларнинг инглиз тили бўйича билим ва кўникмаларини янада мустақамлашга хизмат қиладиган замонавий компьютер дастурлари ва қўлланмалар билан бойитиш ниятидамиз.

Мунира ИСАЕВА.

ЭЗЛИК МИЛЛИОН СЎМЛИК СИНОВ

Вилоят Давлат архитектура ва қурилиш назорати инспекцияси қошидаги қурилиш ашёлари сифатини текширувчи синов лабораториясининг ташкил этилганига эндигина бир йил бўлди.

Ўтган қисқа вақт давомида лаборатория ўзининг мижозларини топиб улгурди. Бунинг асосий сабаби бу ерда малакали мутахассислар фаолият юритаётгани ҳамда лаборатория замонавий синов технологиялари билан таъминлангани ва энг муҳими, тўловларнинг ҳаммабонлигидир. Шунинг учун вилоятда қурилиш ашёлари ишлаб чиқарувчи ва бунёдкорлик билан шуғулланувчи катта-кичик корхоналар раҳбарлари лаборатория ишига қизиқшмоқда.

— Ушбу лабораторияни ташкил этишдан мақсади-миз аввало ўз ишимизни енгиллатиш эди, — дейди

инспекция бошлиғи Тоҳиржон Ботиров. — Хусусан, вилоятда ишлаб чиқарилаётган қурилиш маҳсулотларини синовдан ўтказиб, сертификатлаш, шунингдек, объектларда ишлатилаётган ашёлар сифатини текшириб, ҳуло-са бериш инспекциянинг асосий вазибаларидан биридир.

Кувонарли томони шундаки, лабораториямизга пойтахтда фаолият юритаётган корхоналар ҳам мижоз бўлишарди. Бу эса лаборатория иши сифатини янада яхшилаш ва ривожлантириш, текширув турларини кўпайтиришни талаб этмоқда.

— Ўтган бир йил даво-

мида қарийб қирқ миллион сўмликдан зиёд синов-текширув ишларини бажардик, — дейди лаборатория раҳбари Абдувақил Абдувоҳидов. — Шу кунгача 150 дан зиёд ишлаб чиқариш ва қурилиш корхоналари биз билан шартнома тузди. Келаси йили 50 миллион сўмликдан зиёд синов ишларини амалга оширишни режалаштираямиз. Мижозларимиз орасида «Нефтягазмонтаж», «Санат-ўзэнергосервис» каби йирик корхоналарнинг борлиги ишимизга берилган муносиб баҳо деб ўйлайман. Бунга жавобан лаборатория фаолиятини кенгайтириб, йирик қурилиш ашёлари синовини ҳам йўлга қўйишни кўзда тутмоқдамиз.

Равшан ЁҚУБЖОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»
мухбири.



СУРАТДА:

лабораториянинг етакчи мутахассиси Луция Гайфутдинова қотирилган цемент ашёсининг босимга чидамлилиқ даражасини синовдан ўтказаяпти.

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

ДАСТУР ДОИРАСИДА

Юқоричирчиқ туман маданият саройида Юртбошимизнинг «2007-2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсияонерлар ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва унинг ижросига оид махсус Дастур доирасида хайрия акцияси ўтказилди.

Туман ҳокимлиги, ички ишлар, маданият ва спорт ҳамда ижтимоий таъминот бўлимлари, марказий шифохона, «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармалари ҳамда «Маънавият-тарғибот» маркази туман бўлимлари ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирга мулкчилик шаклидан қатъи назар барча корхона, ташкилот ва муассасалар ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тузилмалари жамоалари тақлиф этилди.

— Бундай акциялардан тушаётган маблағлар ҳисобидан, — дейди туман «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси Нурход Ибраев, — ногиронлар учун зарур бўлган аравачалар, ортопедия мосламалари, эшитиш аппаратлари олиб берилмоқда.

Хайрия акцияси мобайнида корхона ва ташкилот раҳбарлари ҳамда саховатпеша инсонларнинг мурувват ёрдамлари, пул маблағлари ўз эгаларига топширилди. Бадиий қисмдан ўрин олган куй-қўшиқлар даврага файз бағишлади.

Феруза ТЎРАЕВА.

23 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов куни

УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТАДИ


Кейинги йилларда Тўйтепа шаҳарчаси ва атроф-қишлоқларнинг кўриниши таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Яқинлашиб келаётган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови арафасида Ўртаҳирчиқда бу хусусда кўп гапириляпти.

– Биз участкамизда рўйхатга олинган 1644 сайловчига таклифномаларни тарқатиб, уларни қизиқтираётган айрим масалалар юзасидан яна бир мулоқот ўтказдик, – дейди 693-сайлов участкаси раиси

Миразиз Юнусов. – Ҳамма турмушимиздаги янгиланишларни, амалга оширилаётган ободчилик ишларини алоҳида таъкидламоқда. Сайлов уюшқоқлик билан ўтишига ишончимиз комил.

СУРАТДА:

участка сайлов комиссияси аъзолари сўнгги тайёргарлик ишларини амалга ошириляпти.
Еркебой БОТИРОВ олган сурат.



САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН СЕМИНАРЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини ўтказувчи барча сайлов округларида округ ва участка сайлов комиссиялари аъзоларининг миллий сайлов қонунчилигимизга оид ҳуқуқий билимини ошириш, фаолиятини сайлов жараёнини тартибга солувчи қонунларга мувофиқ ташкил этиш, барча сайлов участкаларининг бўлажак овоз бериш жараёнига тўлиқ тайёргарлигини таъминлаш масалалари – 9-15 декабрь кунлари бўлиб ўтган ҳудудий семинарларнинг асосий мавзусини ташкил этди.

Мазкур семинарлар Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар календарь режасига мувофиқ ташкил этилди.

Хар бир сайлов участкасида иккитадан семинар ўтказилди. Барча участка сайлов комиссияларининг раислари, раис ўринбосарлари ва котиблари Ўзбекистон сайлов қонунчилигининг ўзига хос хусусият-

лари ҳамда афзалликлари ҳақро сайлов стандартлари билан таққосланган ҳолда батафсил тушунириб берилди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси талаблари, "Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови тўғрисида", "Фуқаролар сайлов ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида" ва "Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги қонунлар, сайловни ташкил этиш билан боғлиқ бошқа қонун ҳужжатларида акс этган қоидалар ҳам батафсил тушунирилди.

Шунингдек, сайлов кунини сайлов участкаларининг иш тартиби, жумладан овоз беришнинг бошланиши, овоз беришни махсус ёки яширин овоз бериш хоналарида амалга ошириш, овозларни санаб чиқиш, овоз бериш яқунлари бўйича протокол тузиш ҳамда уни тегишли сайлов комиссиясига тақдим этиш билан боғлиқ ҳужжатлар батафсил тушунирилди. Бундан ташқари, семинарлар иштирокчиларининг эътибори сайлов бюллетенларини бериш ва олишда қатъий

ҳисоб-китоб юритиш зарурлигига қаратилди.

Таъкидлаш жоизки, барча семинарлар очиклик ва кенг фикр алмашиш руҳида ўтди. Иштирокчиларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтарилди. Хар бир семинар якунида ўтказилган амалий машғулотлар сайлов кунини участка сайлов комиссиясининг иш тартиби бўйича бу борада эгалланган билим ва қўникмаларни янада мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Ў.А.

2008 йил – Ёшлар йили

ОИЛАЛАР ДОИМИЙ ҲИМОЯДА

Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ инсон манфаатлари ҳимоясига устуворлик берилиб, ҳар ҳиқатдан амалий ғамхўрликлар кўрсатилаётганига бугун жуда кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Хусусан, Юртбошимизнинг Ижтимоий ҳимоя йилида эълон қилинган «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳам ҳар бир оила фарзандларига бўлган оталарча ғамхўрликнинг амалдаги ифодасидир.

Ипотека ва истеъмол кредитлари ажратилиш йўли билан ёш оилаларга уй-жой сотиб олиш ёки қуриш учун амалий ёрдам беришдек хайрлик мақсадга қаратилган ушбу Фармон ижроси бўйича виллоятимизда қатор режали ишлар амалга ошириляпти. Жумладан, яқинда Оҳангарон шаҳрида олтига ёш оилага ўн беш фоизли кредит асосида тураржой ажратилди. Эътиборлиси, бу квартиралар ҳомийлар томонидан тўлиқ таъмирдан чиқарилган. Замонавий жиҳозлар –

«Аква» ромлари, «Аристон» иситгич аппаратлари билан таъминланган хонадонларга эга бўлган ёшларнинг қувончи чексиз.

– Бизга кўрсатилаётган эътибор, оталарча ғамхўрликдан бошимиз кўкка етди, – дейишди Комилжон ва Насиба Солиевлар. – Бунга жавобан биз ҳам намунали оила сифатида Ватанимиз ишончини оқлаш, фарзандларимизни ҳам Ватан, эл-юрт қорига ярайдиган инсонлар қилиб тарбиялаш учун астойдил ҳаракат қилаётимиз.

– Ёшларимиз нигоҳиданги шодлик, миннатдорчилик ифодасини қуриш қандай яхши, – дейди шаҳар ҳокими Абдуғаффор Маннопов. – Келаётган 2008 йил – Ёшлар йилида бу каби сазой-ҳаракатларимизни давом эттириб, яна қирқ бешта ёш оилага мана шундай замонавий услубда таъмирланиб, жиҳозланган тураржойларни топширишни режалаштирганимиз.

Уйлаймизки, Ёшлар йили инсонпарварлик тамойилларининг бардовалиги борасида янада сермахсул бўлади. Зеро, эл-юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги бош мақсад қилиб қўйилган мустақил Ўзбекистоннинг порлоқ келажаги Ватан меҳридан баҳраманд бўлган оқбатли, ғайрат-шижоатли ёшлар қўлидадир.

Сайёра РИХСИЕВА.

«Миркредитбанк» акциядорлик-тижорат банкнинг Паркент туман филиали кўмағида «Таъминотчи хоним» кичик корхонаси қаддини ростлаб олди.

КОРХОНАДА ТИКУВ ЦЕХИ

Гап шундаки, корхонага йиллик 14 фоз устамаси билан 5 миллион 400 минг сўм миқдорда микрокредит ажратилди. Бу маблағ ҳисобидан тикув машиналари ва матоалар харид қилинди. Бу эса корхона-

нинг янги тикув цехида арзон кийим-кечалар тайёрлашни кўпайтириш имконини берди.

Мақтаб ўқувчилари, ишчилар учун махсус кийимлар ҳам сотувга чиқариламоқда.

Ақбар АЛИЕВ.

НАВБАТДАГИ САЛОМАТЛИК АВТОПОЕЗДИ

«Экосан» экология ва саломатлик халқро ташкилоти Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида белгиланган ва «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурида кўзда тутилган вазифаларни амалга ошириш доирасида Фарғона ва Наманган виллоятига наватдаги саломатлик автопоездини жўнатди.

Бу Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига мувофиқ ўтказилаётган Экология ва саломатлик кунлари учинчи босқич тадбирларининг бир қисми ҳисобланади.

Умумий қиймати 60 миллион сўмдан ортиқ иссиқ кийим, пойабзал, санитария-гигиена воситаларидан иборат ушбу мурувват юки таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа ижтимоий объектлар, шунингдек, кам таъминланган ёш оилалар, ногиронлар ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига топширилади.

Йил бошидан буён «Экосан» ташкилоти томонидан ташкил этилган 20 та поезд ва автопоезд мамлакатимиз ҳудудларида аҳолига ҳамма умумий қиймати бир миллион сўмга тенг мурувват ёрдамини етказиб берди.

Юртбошимиз томонидан Ёшлар йили, деб эълон қилинган 2008 йилда ҳам саломатлик поездларини ташкил этиш ва ҳудудларга жўнатиш ишлари давом эттирилади. Бундан қўзғалган асосий мақсад ёш оилалар, болаларни тарбиялаётган ёлғиз ёш аёлларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва тиббий хизмат кўрсатишни қучайтириш, мактабга ва мактаб муассасаларига моддий ёрдам кўрсатишдир.

А. ИВАНОВА,
Ў.А. МУХИРОВА.

2007 йил – Ижтимоий ҳимоя йили

ҚАРИЯЛАРГА ҒАМХЎРЛИК – МАҚСАДИМИЗ

Шаҳар аҳолисини, пенсионерлар ва ёлғиз қарияларни, ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш ҳодимларимизнинг қўндалик устувор вазифаларидир.

Ҳозир ижтимоий таъминот бўлими рўйхатда 241 нафар ёлғиз қария бўлиб, уларга тўққиз турдаги озиқ-овқат ой сайин бепул топширилмоқда. 2007 йил давомида ногиронлар учун 22 та аравача, 38 та кресло, 19 та хасса ва 4 та қўлтиктаёк берилди. 29 нафар фуқаро эса, протезлар билан таъминланди. Пенсионер ва ногиронлардан 91 нафарига Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги сикатгоҳ йўлланмаларини бепул ажратди.

Ногиронларни реабилитация-техник воситалар билан таъминлашни яхшилаш, ҳомийлар маблағини ушбу ишга жалб этиш мақсадида шаҳар ҳокимлигида хайрия марафони ўтказилди. Ундан тушган маблағ ҳисобидан ижтимоий таъминот бўлими биносидан «Ижара пункти» очилди. Энди ногиронлар зарур бўлган техник воситаларни вақтинча ижарага олиб фойдаланишлари мумкин. Ёлғиз кексалардан 5 нафари Олмалиқ ав-



тобус-такси саройи, 10 нафари троллейбус бошқармаси томонидан ҳар ойда бепул чипталар билан таъминланади. Бундан ташқари ёлғиз кексалардан 10 нафари «Гивинч» ҳусусий шифохонасида бепул даволанди.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, ёлғиз кексалар, ногиронларни барча байрамларда йўллаб, уларга байрам дастурхони ёзиш яхши анъанага айланди.

Тоҳир РАЙМЖОНОВ,
Олмалиқ шаҳар ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи.



СУРАТДА:

деҳқон бозорининг умумий кўриниши.
Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

Истиқбол лойиҳалари

Хар қандай иқтисодийнинг жадал ривожланишида кўпгина тармоқлар қатори ёқилғи-энергетика соҳаси ҳам бекиёс ўрин тутди. Шу нуқтаи назардан қараганда мамлакатимизда мазкур тармоқнинг бугунги ва эртанги истиқболи ҳаммаша давлатимиз эътиборида бўлиб, соҳани ислоҳ қилишга қаратилган кенг қамровли вазифаларга устуворлик берилётгани бежиз эмас.

Маълумки, мамлакатимизнинг энергетика салоҳиятини мустаҳкамлашда виллоятимиздаги бир қатор йирик энергетика иншоотлари етакчи ўрин тутди. Бу йирик тузилмалар ўз қудрати ва нуфузи билан нафақат мамлакатимиз, балки ундан ташқарида ҳам маълум ва машҳурдир. Бу борада гап кетганда, Қибрай туманидаги Тошкент иссиқлик электр станциясининг бугунги фаолияти ҳам бу ерда амалга оширилган кўзда тутилган йирик истиқболли лойиҳалар хусусида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиздир.

Гап шундаки, келаси йилдан бошлаб мазкур иншоот ҳудудида бу-газ қурилмасини қуриш ва модернизация қилишга киришилади. Бу мақсадга Япония ҳукумати-нинг 221 миллион долларлик имтиёзли кредитини йўналтириш, Ўзбекистон қирмачиси ва тараққиёт-жамғармаси томонидан 70 миллион доллар маблағ ажратилиши кўзда тутилмоқда. Дикқатга сазовор жойи шундаки, ушбу муҳим қурилма республикаимизнинг энергетика соҳасида илк мартабага қўлланилади. Йирик лойиҳа сифатида баҳоланаётган бу кенг кўламли ишларни амалга оширишда Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори асосий дастуриламал бўлиб хизмат қилаётди.

– Келгуси йили тўла амалга ошадиган мазкур лойиҳа жуда салоҳиятли бўлиб, бу борадаги ташкилий-тайёргарлик ишлари анча муқаддам бошланган, –


ТОШКЕНТ ИЭС: ИСЛОҲОТ, САМАРА, МАНФААТ

дейди «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раисининг ўринбосари Алишер Сирожев. – Энг аввало шунини таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ва Япония ҳукуматлари ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқаларни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бериб келинаётгани ушбу йирик лойиҳамизнинг молиявий жиҳатдан бекам қўст қўллаб-қувватланишига замин яратди.

– Айни дамда ушбу лойиҳада иштирок этиш, аниқроғи, қурилиш ва модернизация ишларини амалга ошириш ҳуқуқини олиш учун тендер савдолари ўтказилляпти, – дейди «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўлими бошлиғи Шухрат Ҳамидов. – Бу жараёнда тендер қатнашчиларига жуда қатъий талаблар қўйилмоқда. Асосий эътибор бундэ этилиши мўлжалланаётган янги қурилманинг умумий қувватига, ишлаш мезонига ҳамда сифатига қаратилмоқда. Шу боис буюртмачилар ҳам, тендер иштирокчилари

ҳам масалага жиддий муносабатда бўлаётганини кузатиш мумкин.

Энди эса бевосита бу муҳим лойиҳанинг аҳамияти хусусида тўхталсак. Ҳўш, бу қурилмага республика иқтисодида янгилик сифатида қаралаётганининг боиси ни-



гуруҳи раҳбари Файрат Маъдиев. – Чунки уларга эҳтиёж қолмайди. Бу ҳам жуда катта иқтисодий тежамкорликка эришиш демакдир.

Яна бир гап. Мазкур технология янги бўлганлиги ва бу ерда илк мартабага қўлланилаётгани учун уни ишла-тиш, бу жараёнда жалб этилган ишчи-ҳодимлар малакасини ошириш талаб этилади. Бунинг учун янги тизим ишига ҳодимларни жалб қилишдан аввал улар махсус билим ва қўникмага эга бўлишлари учун ўқитилади. Шундан сўнг улар қўриқдан ўтказилиб, барча талаб ва меъёрларга тўғри келганларига янги иш жойида фаолиятларини давом этти-радилар.

– Мен бу корхонада кўп йиллардан бери меҳнат қилиб келаман, ишим ўзимга жуда ёқди, – дейди корхона машинисти Йўлдош Муслимов. – Маошларимиз дуруст, меҳнат шaroитлари-миз рисолашадик. Станция-мизда шундай катта қурил-манинг ишга тушишини эши-тиб, ҳаммамиз бирдек қувон-дик. Чунки, корхонамизнинг қуввати кескин ошадди, би-нобарин, нуфузи ҳам кўта-рилади. Қолаверса, бизнинг меҳнат шaroитларимиз ҳам яхшиланиб, янада завок би-лан ишлайдиган бўламиз.

Хуруида НАЗАРОВА,
«Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкilotлари ва корхоналари диққатига! ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ ДАВЛАТ ЧЕГАРАЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ҚЎМИТАСИ

қуйидаги объектга

ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 3-мавзе, Муродов кўчасида 150 ўринли Госпитални 200 кишини қабул қилишга мўлжалланган поликлиника ҳамада қабул бўлимини неврология, операция ва реанимация бўлимлари билан қуриш (ка-лит билан).

Қурилиш ишлари: давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилади.

Қурилиш муддати: 2008 йил 31 декабргача.

Савдо ташкилотчиси – Тошкент виллояти «Таш-консалтингстройторг» давлат унитар корхонаси.

Буюртмачи манзили: Тошкент шаҳри, А. Қодир-ий кўчаси, 5-уй.

Талабот сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келиш-лари керак: улар танлов савдолари предмети қий-матининг камида 20 фоизи миқдоридидаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматларни) бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассис-

лар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлиги тажриба ва қўникмаларга, шартномалар тузиш юзасидан фу-қаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлиш-лари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжат-ларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – Тошкент виллоятининг «Ташкон-салтингстройторг» давлат унитар корхонасининг қуйидаги манзилига мурожаат қилишлари мумкин: Тошкент шаҳри, Муртазов кўчаси, 6-уй. 113-114-хона. Тел/факс: 150-15-48, 150-15-49.

Танлов ҳужжатларининг бир тўплам қиймати - 70 000 (етиш миңг) сўм.

Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати оферталар очилиш кунини соатига.

Тақлифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб камида 30 кундан кейин тегишли тартибда белгиланган ман-зида ўтказилади.

Хурурият МЎМИНОВА.

НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

● Эълон ва билди-
рувлардаги факт
қамда далилларнинг
тўғрилиги учун рек-
лама ва эълон бе-
рувчилар масъулдир.